

«Қуръони Карим мусобақаси 1442» олтинчи ҳафта саралаш босқичи якунланди



12:25 / 15.02.2021 1037

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг энг улуғ мўъжизаси бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган сўнгги илоҳий китоб, боқий ҳужжат, қатъий далил, мустаҳкам ақидадир.

Юртимизда устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони Карим мусобақаси - 1442» танловига 6-ҳафта саралаш жараёнлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ушбу ҳафтада тиловат йўналишида саралаб олинган 10 нафар қорилар орасида энг кучлиларини танлаб олиш ҳакамларга ҳам осон бўлмади. Тиловат бўйича саралаш босқичи 6-ҳафта ғолиблари - тошкентлик Низомиддин Исмоилов 252,25 балл билан биринчи ўринни олган бўлса, иккинчи ўринга муваффақ бўлган фарғоналик Камолиддин Мамасиддиқов 240,25 балл олди ҳамда учинчи ўрин соҳиби андижонлик қори Муродуллоҳ Носиров 231,25 балл йиғишга муваффақ бўлишди.

Биринчи ўринни қўлга киритган Низомиддин Исмоилов «Ҳидоя» тўплами, Қуръони карим ва Рамазон ойида бўладиган суперфиналга йўлланма олган бўлса, иккинчи ва учинчи олган қатнашчилар ажойиб Мусҳаф билан тақдирланишди.

Мусобақа сўнгида анъанага мувофиқ, бош ҳакам Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид тажвид қоидалари ҳақида эслатиб, иштирокчиларда учраган айрим хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда тажвид борасидаги фикрларини ҳам баён этдилар. Қориларнинг Қуръонни тадаббур ва қироат билан ўқиш борасидаги илмларини янада зиёда қилиш борасидаги тавсияларини берди.

Бугун душанба куни соат 08:00 дан 13:00 гача аризалар кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Мусобақага доир барча янгиликларини ҳар куни соат 8:00 ва 20:00 да AzonTV'нинг барча ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кузатиб боринг.

«Қуръони Карим мусобақаси – 1442» саралаш танловига марҳабо!